

Хиромий (тахаллуси; исми Мулло Курбон) (1796, Китоб вилояти Чармгарон гузари — 1891) — шоир. Баъзи манбаларда Мирзо Курбон, Мухаммад Курбон деб хам тилга олинган. Кенагас уругидан. Бухородаги Мир Араб мадрасасида тахсил кўрган. Иктисадий танглик туфайли мадрасани тугата олмаган, 25 ёшида Китобга кайтган. Хаттотлик, табиблиқ, чармгарлик килиб рўзгор тебратган. Хиромий Насруллахоннинг боскинчилик сиёсатига карши курашувчилар сафида турган, Китоб мудофаасида катнашган.

Хиромий истеъдодли ва сермаҳсул шоирлардандин. У ўтмиш алломалар ижодидан ўрганган, замондошлари Шавкий, Хозик, Вола ва бошка билан якин ижодий алокада бўлган. Дастваб Саъдий, Навоий, Зебуннисо газалларига мухаммаслар bogлагan, уларнинг бадиий маҳорат соҳасидаги анъаналарини давом эттирган.

Хиромий 19-аср хаётидаги ярамас иллатларни, адолатсиз хукмдорлар, нокобил хокимлар, замин, замон, кишилар тўғрисидаги карашлари ифодаланган «Чор дарвеш» (1834), «Махфил оро» (1844—56), «Тўтинома» (1854), «Раъно ва Зебо» (1856), «Юсуф ва Зулайх» (1862) достонларини ёзган. Буларнинг орасида кенг таркалгани «Чор дарвеш» дир. Асар колиплаш усулида ёзилган, колипловчи хикоя Озодбаҳт хикоясидир.

Озодбаҳт ўз фарзандсизлигидан сўз бошлаб, дарвешлар саргузаштини тинглайди.

Достон Озодбаҳтнинг Бахтиёр исмли фарзанд кўриб, париларнинг улуг шоири Малик Шоҳбоз ёрдамида муродмаксадларига етиши билан тугайди.

Хиромийнинг хажман энг йирик асари «Тўтинома» 12 минг мисрадан иборат.

Асарнинг бош гояси — вафо ва садокат. Тўтининг барча хикоя ва киссалари шу гояни асослаш, исботлашга каратилган. «Раъно ва Зебо» достони хам колиплаш усулида бўлиб, колипловчи хикоя Раъно ва Зебо саргузашларидир. Пок мухаббатни улуглаш достоннинг асосини ташкил этади. Унда инсон хукуки, ижтимоий тенглик, адолат, олижаноблик каби гоялар ёритилган.

Адабий меросининг умумий хажми 30 минг мисра атрофида. Асарлари кўлёзмалари Ўзбекистон Фанлар Академияси Шаркшунослик институтида («Чор дарвеш», инв. ?359, 9251, 1675, 7713, 4819, 7847, 217 (ИИ); «Тўтинома», инв. ?1795; «Раъно ва Зебо», инв. ?217; «Юсуф ва Зулайх», инв. ?1799) ва СамДУнинг асосий кутубхонасида сакланади.  
*Бегали Косимов*

Неча дам ганимат йигитлик чоги,  
Юз онча ганимат тириклиқ чоги.

\* \* \*

Дедимки, мабодо хижолат етар,  
Хижолат эрур юз ўлимдан баттар.

\* \* \*

Демишларки, хар кимни келганда кўр,  
Бўлубтур масал, сўзни сурганда кўр.

\* \* \*

Бироким сенга бўлса гар мехмон,  
Ишинг бормидур — мехмон кўнгли кон.

\* \* \*

Топар кимса сабр айламакликдин муфид,  
Эрур сабр хурсандликка калид.

\* \* \*

Хикматдур манга махбубу маргуб,  
Киши махбубини махфий этмоги хўб.

\* \* \*

Икки ошно бўлмаса иттифок,  
Хам сирдош эмасдур эрур ул нифок.

\* \* \*

Хуш улким ани жисми бўлгоч нихон,  
Ки андин колур дахр аро бир нишон.